

Хаётига доир мухим маълумотлар

Алишер Навоийнинг хасби холи билан боглик масалалар аввало шоирнинг ўз асарларида, шунингдек замондошлари Абдураззок Самаркандийнинг “Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”, Мирхонднинг “Равзату-с-сафо”, Хондамирнинг “Хулосату-л-ахбор”, “Макориму-л-ахлоқ”, “Хабибу-с-сияр”, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъу-л-вакоеъ”, Давлатшоҳ Самаркандийнинг “Тазкирату-ш- шуаро”, Муъиниддин Мухаммад ал-Замжий ал-Исфизорийнинг “Равзату-л-жиннот”, Абдурахмон Жомийнинг “Бахористон”, Захириддин Мухаммад Бобурнинг “Бобурнома” каби тарихий ва тазкира асарларида учрайди.

Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Амир Темурнинг ўгли Шохрух Мирзо хукмронлиги даврида Хиротда тугилди. Хондамирнинг “Макориму-л- ахлоқ” асарида маълумот берилишича, шоирнинг тугилган санаси хижрий 844 йил рамазон ойининг 17 кунида бўлиб, товук йилига тўғри келади. Унинг отаси Гиёсиддин Мухаммад (уни Гиёсиддин Кичкина деб ҳам аташган) [1] темурийлар саройининг амалдорларидан, онаси (исми маълум эмас) Кобул амирзодаларидан Шайх Абу Саъид Чангнинг кизи бўлган. Абдураззок Самаркандийнинг “Матлаъи саъдайн” ва Мирхонднинг “Равзату-с-сафо” асарларида келтирилишича, Алишернинг бобоси Амир Темурнинг ўгли Умаршайх билан эмиқдош (кўкалдош) бўлган. Навоий “Вакфия” асарида ўз ота-боболарининг темурийлар саройида юкори мавкеда бўлганликлари хақида шундай ёзади: “

...бу хокисорнинг ота-бобоси ул хазрат (

Султон Хусайн Бойкаро

)нинг бобо ва аждоди хизматларида... улуг маротибка сазовор ва бийик маносибка комгор бўлгон эрдилар

”

[2]

.

Алишернинг тогалари Мирсаид Кобулий ва Мухаммад Али Гарибийлар ҳам шоир бўлишган. Бўлажак шоир ана шундай мухитда, алохида тарбия ва назоратда ўсади. Кичиклик чоғидан ўз даврининг машхур олиму фозиллари даврасида бўлади. Уч-тўрт

ёшларида машхур шоир Косим Анворнинг

Риндему ошикему чохонсўзу чома чок,

Бо давлати гами ту зи фикри чохон чи бок

(Мазмуни: Риндмиз, ошикмиз, жохон ўртовчи ва ёкавайронлармиз, сенинг гаминг турганда дунё фикридан не фойда)

байтини ёд айтиб, меҳмонларни хайратга солади. Бу ҳақда кейинчалик “Мажолису-н-нафоис”нинг биринчи мажлисида эслаб ўтади. Бир йилдан сўнг, яъни 1445 йилда мактабга боради ва ёш Хусайн билан бирга ўқийди.

1447 йилда Шохрух Мирзо вафот этади ва темурий шахзодалар орасида тож-тахт учун кураш бошланади. Хиротда рўй берган нотинчлик сабабли Алишерлар оиласи Ирокка йўл олади. Йўлда, Тафт шаҳрида ёш Алишер замонасининг машхур тарихчиси, “Зафарнома”нинг муаллифи Шарафиддин Али Яздий билан учрашади ва улуг тарихчи 6 ёшли Алишернинг ҳақига дуо ўқийди. Бу ҳақда Навоийнинг ўзи кейинчалик “Мажолису-н-нафоис” ва “Насойиму-л-мухаббат” асарларида маълумотлар келтиради.

1451 йилда Хуросон анча тинчиб, Алишерлар хонадони Хиротга қайтади. Тарихчи Хондамир ўзининг “Мақориму-л-ахлоқ” асарида ёзишича, қарвон Язд чўли орқали Хиротга қайтар экан, кундузи иссиқ бўлганлиги учун кечаси юрилган. Тунги юришлардан бирида Алишер эгар устидан ерга тушиб қолади ва уйку зўридан беҳабар ётаверади. Қуёш еру кўкни ёритгандан кейингина уйғониб, узокда кўринган бир қора нуктани излаб йўлга чиқади. Бўлажак шоирнинг йўқолиб қолганини бир оз вақт ўтгач билган ота-она

бир мулозимни Язд томонга жўнатадилар ва болани топиб оладилар.

1452 йилда Абулкосим Бобур Мирзо Хуросон тахтига ўтиради ва нотинчликлар анча босилади. Абулкосим Бобур маърифатли хукмдор бўлиб, тасаввуф илмидан хабардор, табъи назмга мойил шахс эди. Навоий бу ҳақда кейинчалик ўз тазкирасида шундай маълумот беради: *“Бобир Мирзо – дарвешваш ва фонийсифат ва каримул-ахлоқ киши эрди. Химмати олида олтуннинг даги кумушнинг тош ва туффрогча хисоби йўқ эрди. Тасаввуф рисоаларидин “Ламаъот” била “Гулшани роз”га кўп машъуф эрди. Табъи даги назмга мулойим эрди...”*

Абулкосим Бобур Алишернинг отаси Гиёсиддин Мухаммадни Сабзаворга хоким килиб тайинлайди, Гиёсиддин Мухаммад ўз оиласи билан шу шаҳарга кўчиб ўтади ва Алишер ўқишни давом эттиради. Алишер Сабзаворда ўз даврининг шоиру фозиллари Хожа Аҳмад Муставфий, Мавлоно Яҳё Себак, Дарвеш Мансур, Хофиз Али Жомий, Хожа Махмуд, Мавлоно Номийлар билан танишади, Дарвеш Мансурдан аруз илмини ўрганади. Саъдий Шерозийнинг “Гулистон”, “Бўстон” асарларини ўқийди, Фаридиддин Атторнинг “Мантику-т-тайр” достонини ёд олади. Бу ҳақда кейинчалик “Лисону-т-тайр” достонида шундай ёзади:

Истабон ташхиси хотир устод,

Назм ўкутурким равон бўлсун савод.

Насрдин баъзи ўкур хам достон,

Бу “Гулистон” янглигу ул “Бўстон”.

Менга ул холатда табъи булхавас

“Мантику-т-тайр” айлаб эрди мултамас.

Топти сокин-сокин ул такрордин,

Сода кўнглум бахра ул гуфтордин.

1453 йилда Алишер мактабдош дўсти Хусайн билан Абулкосим Бобур хизматига киради. Аввал Сабзаворда, сўнг Машхадда яшайди. Бу йилларда ҳам ёш Алишер ўқиш ва илм ўрганишда давом этади.

1457 йилда Абулкосим Бобур Мирзо вафот этади. Хуросон тахтини Абу Саъид Мирзо эгаллайди. Хусайн Бойкаро тахт учун курашга киришиб кетади. Алишер Навоий эса Машхад мадрасаларида ўқишни давом эттиради. Бу даврга келиб, энди Навоий икки тилда шеърлар битувчи “зуллисонайн” шоир сифатида анча танилиб колган эди. Хондамирнинг маълумот беришича, бир куни Алишер Навоий Лутфий хузурига борганида, “малику-л-калом” ундан янги ёзилган бир газалини ўқиб беришни сўрайди. Навоий ўзининг

Оразин ёпкоч кўзимдин сочилур хар лахза ёш,

Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, нихон бўлгоч куёш

матлаъси билан бошланувчи газалини ўқийди. Шунда Лутфий агар имкони бўлганида, ўзининг 10-12 минг форсий ва туркий тилда битилган байтларини шу газалга алмаштиришини айтиб, шоирнинг истеъдодига юксак баҳо беради.

Шоир Машхад мадрасаларида ўқиб юрган пайтида бир муддат хасталаниб қолади. У талабалар учун ажратилган хужрада касал бўлиб ётган ҳолатини “Мажолисун нафоис”да шундай эслайди:

“...Султон Абу Саъид Мирзо замонида Машхадда гариб ва хаста бир букъада йикилиб эрдим. Курбон вакфаси бўлди, оламнинг аксо билодидин халк имом равзаси тавофига юз кўйдилар. Расмдурким, мусофирлар муттайин букъа гаштига ҳам борурлар, ул букъадаким, факир йикилиб эрдим, жамоати маволиваш эл сайр килиб, деворда битилган абётни ўқиб, бир байт устида бахсга туштилари. Бир улугрок кишиким, ул жамоат анго тобеъ эрдилар, ул жамоатни илзом килди. Факир заъф холида ул жамоат жонибидин сўз айттим. Анга дедиларким: бу бемор йигит ҳам бир сўз айтадур. Ул улугрок киши худ Шайх Камол эрмишким, зиёратга келган эрмиш! Бошим устига келиб, мабхасни орага солди. Факир жавоб бергач, ўз сўзидан кайтиб, тахсинлар килиб, холимни тафаххус килди. Эrsa ул ҳам факирни эшитган экандур ва кўрар хаваси бор экандур ”. Алишер Навоий ва даврининг машхур шоири Камол Турбатий ўртасидаги учрашув шу тарика юз беради.

Алишер Навоий 60- йилларнинг бошларида Хиротга кайтади. Бу даврда Алишернинг тогалари Мирсаид Кобулий ва Муҳаммад Али Гарибийлар Хусайн Бойкаронинг сипохийлари сифатида Султон Абу Саъид мирзога қарши жангда ҳалок бўлган эдилар. Шоир Хиротда узок қолмайди ва Самарқандга йўл олади

[3]

. Абдураззок Самарқандий, Мирхонд ва Хондамир шоирнинг Самарқандга бориш сабабларини илм ўрганишга интилиш билан боғласалар, Захириддин Муҳаммад Бобур “ихрож” (сурғун) деб атайди. Алишер Навоийнинг ўзи Саййид Хасан Ардашерга ёзган “Маснавий” мактубида Самарқандга кетишининг бир неча сабабларини кўрсатади:

Бир улким, чу сўздиндир инсон шариф,

Чу хайвонга сўз йўқдур, улдур касиф...

Мен ул менки, то турк бедодидур,

Бу тил бирла то назм бунёдидур.

Фалак кўрмади мен киби ногире,

Низомий киби назм аро кодире...

Етар тенгридин онча кувват манга,

Ки бўлмас битирига фурсат манга.

Бу майдонда Фирдавсий ул гурд эрур,

Ки гар келса Рустам жавобин берур.

Ракам килди фархунда “Шахнома”е

Ки, синди жавобида хар хомае.

Ки хар неча нутк ўлса кохилсарой,

Битигаймен ўттуз йилин ўттуз ой.

Не “Шахнома”ким, “Хамса”га урсам эл,

Анинг панжаси сори еткурсам эл.

Ўтуз йилки они Низомий демиш,

Кошимда эрур икки-уч йиллик иш...

Яъни, Навоий бу ўринда ватандан кетиш сабабларидан бири сифатида Хиротда ижод килиш учун имконият йўқлигини келтириб ўтяпти. Назмда қобилият жихатидан Низомийга тенг эканлиги, Фирдавсий ва Низомийлар 30 йил вақт сарфлаб ёзган “Шохнома”ю “Хамса”ни 30 ойда ёза олишга ўзида қувват сезаётганлигию, лекин бунинг учун шароит ва фурсат йўқлигини таъкидлаяпти.

Яна бир буқим, зохир ўлмиш манго,

Ки, чикмиш Хуросон элидин вафо...

Вафо ерида зохир ўлмиш нифок,

Сахо ўрнида бухл тутмиш висок...

Хам эл манзилин шах катақдек бузуб,

Товуг ўрнига чўгд ўлтургузуб.

Элида кишилиқдин осор йўк,

Шароратдин ўзга падидор йўк...

Не бир хужраким, ком топкай кўнгул,

Даме анда ором топкай кўнгул.

Не бир шўх васлига ул моядаст,

Ки, азмим аёгига бергай шикаст.

Не ёреки, ранжимни килгай кабул,

Не зореки, хажримдин ўлгай малул.

Алишер Навоийнинг мамлакатни ташлаб кетишга мажбур бўлганининг яна бир сабаби юртдаги нотинчликдир. Одамларда бир-бирига вафо йўк. Вафонинг ўрнини нифок, саховатнинг ўрнини бахиллик эгаллаган. Мамлакат хохи халк уйини катакдек бузиб, товук ўрнига бойўглини ўтказиб кўйган. Одамларда кишиликдан нишона йўк, ҳамма жойда ёмонлик ҳукмрон. Кўнгил ором топадиган бир хужра йўк. Тасалли берувчи бирор киши, кетаман, деса этагидан тутадиган умр йўлдоши, кетса айриликдан эзиладиган дўсти йўк.

Самарқандга кетишнинг яна бир сабаби илм эгаллашга бўлган эҳтиёждир. Зеро, Навоийнинг фикрича, “хак сиррининг махрами” килиб яратилган инсон Оллохни маърифат оркали таниши керак:

Учинч улки, чун холики зулжалол,

Ки, хам ламязал келди, хам лоязол.

Чу лавхи вужуд узра тортиб калам,

Ики кавн тархига урди ракам...

Эмас эрди максуд жуз одамий

Ки, хак сиррининг бўлгай ул махрами.

Баридин гараз гарчи инсон эди,

Анга даги максуд ирфон эди.

Тасаввуф таълимотига кўра, Оллохни таниш 2 йўл оркали амалга оширилади:

1. Хакдан жазба етиши, яъни Оллох ёди билан ўзлигидан беҳабар бўлиб юриш, макомларни эгалламасдан туриб, хол мартабасига эришиш, бу йўлни Навоий “мажзуби солик” йўли деб атайди.

2. Пирга кўл бериб, унинг иродаси билан риёзат чекиш ва ундан сўнггина жазба етиши, бунда аввал тарикатдаги макомларни босиб ўтгандан кейингина хол мартабасига эришилади, бу йўлни Навоий “солики мажзуб” деб атайди. Навоий биринчи йўлга эришиш муяссар бўлмагач, пири комил топиб, ўзини унга топширишга қарор қилади:

Бурун муршиди комил истай юруб,

Ани топкач ўзин анга топшуруб...

Чу аввалги иш бўлмади дастгир

Икинчисидин хўб эмастур гузир.

Шу тарика Алишер Навоий 1465-69 йилларда Самаркандда яшайди. Шоир Самаркандда дастлаб моддий кийинчиликда хаёт кечиради. Кейинрок, унга сахар хокими Ахмад Хожибек хомийлик кўрсатади. Ахмад Хожибек фозил ва шоиртаъб хукмдор бўлиб, “Вафой” тахаллуси билан шеърлар битган. Навоий “Мажолису-н-нафоис”нинг 6-мажлисини айнан шу ижодкор-хукмдор таърифидан бошлайди: “*Сурати хуш ва сийрати дилкаш, ахлоки хамида ва атвори писандида йигитдур. Хуросонда тарбият топти. Хирот дор ус-салтанатида ўн йилга якин хукумат килди. Самарканд махфузасида хам муддате хоким эрди... Ва таъби багоят хуб вокеъ бўлубтур ва назмга кўп илтифот килур*”.

Алишер Навоий Самаркандда машхур олим Хожа Фазлуллох Абуллайс хузурида фикх илмидан сабок олади. Бу ҳақда кейинчалик “Мажолису-н-нафоис”да шундай ёзади: “*Фак ир икки йил аларнинг қошида сабак ўқуб эрдим, анча илтифотлари бор эрдиким, “фарзанд” дер эрдилар*”.

Алишер Навоий Самаркандда Мавлоно Улойи Шоший, Хожа Хурд, Мавлоно Мухаммад Олим, Мавлоно Сойилий, Дарвеш Ахмад Самаркандий, Мирзобек, Юсуфшоҳ Сафойи каби олим ва шоирлар билан танишади. Шеърят ва адабиётшуносликка доир кўплаб асарларни ўқиб чиқади, салафлар ва замондошларининг байтларини ёд олади. “Мухокамату-л-лугатайн”да бу ҳақда шундай маълумот берилади: “*Йигитлигим замони ва шабоб айёми авонида кўпрок шеърда сеҳрсоз ва назмда фусунпардоз шуаронинг ширин ашъори ва рангин абётидин эллик мингдин ортук ёд тутубмен ва алар завк ва хушхоллигидин ўзумни овутупмен*”.

Алишер Навоий шу йиллари шоир сифатида катта шухрат козонади. 1465-1466 йилларда мухлислари унинг шеърларини тўплаб, Машхадда “Девон” тузадилар ва уни окка

кўчиришни машхур хаттот Султонали Машхадийга топширадилар. Бу девон бугун фанда “Илк девон” номи билан машхурдир.

Алишер Навоий шеърларининг довруги Шерозу Табризга хам ёйилади. “Илк девон” тузилишидан сўнг орадан 5 йил ўтгач, 1471 йилда Оккуюнлилар салтанатида хам Алишер Навоий шеърларидан таркиб топган яна бир девон тузилади. Мазкур девон Оккуюнлилар саройида фаолият юритган машхур хаттот ва шоир Абдурахим ибн Абдурахмон Хоразмий (тахаллуси Анисий) томонидан кўчирилади. Демак, шоирнинг ўзи хали расмий девон тартиб беришга улгурмай, унинг шеърлари киритилган икки девон: бири Машхадда, бири Шерозда кўчирилиб, Навоий ихлосмандларининг эҳтиёжини кондиришга хизмат килади.

1468 йил Хуросон хукмдори Абу Саъид Мирзо Эрон учун бўлган жангда халок бўлади ва 1469 йилнинг бошида Хусайн Бойкаро тахтни эгаллайди. У Самаркандга мактуб йўллаб, Навоийни ўз ёнига чакиради ва Навоий Хиротга кайтади. Шу йилнинг апрелида рамазон хайити кунларида шоир унга багишлаб “Хилолия” касидасини ёзади. У Хусайн Бойкаронинг тахтга чикишини янги ой – хилолга киёс килади:

Янги ойу ийд ики куллугчинг ўлсун, айлаган

Сен хилол анинг отин, байрам бу ернинг кунятин.

Хусайн Бойкаро Навоийни давлат ишларига жалб килади. Шоир дастлаб 1469-1472 йилларда мухрдор лавозимида, 1472-1476 йилларда эса амир (вазир) лавозимида хизмат килади. Тарихчи Мирхонд унинг бу даврдаги фаолияти хакида “Равзату-с-сафо” асарида шундай ёзади: “...амир бир неча вақт мухрдорлик лавозимида койим туриб, хизматкорлик поясини юкори осмондан хам ўтказди. Бир неча вақтдан кейин, бу мансабни тарк этиш

бобида илтимос килиб, бу лавозимга амир Ахмад Сухайлийни тайин килишни илтимос килди. Хокони Мансур унинг бу илтимосини қабул килди, лекин хижрий 876 йили шаъбон ойида (1472 йил январь) банданавоз подшоҳ ул вожиб ул-атоб амирни аморат мансаби билан сарафроз килмокчи бўлди... хокони Мансурнинг покиза кўнгли шу эдики, амир Алишер вожиб ул-изъон фармонга кўра бошка амирлардан юкори мухр босса, лекин ул жанобнинг кўлига маълум соатда мухр боссин учун нишон берганларида, нафси синик бўлганидан ва багоят улуг тавозуълилигидан, нишоннинг шундай жойига мухр босдиким, ундан тубанрокка мухр босишга жой колмади...

Алишер Навоий вазир лавозимида ишлаб юрган пайтларида ўзининг бутун куч-қувватини мамлакат ободончилиги, эл фаровонлиги учун сарф қилади:

Ким бор эди бошима кўп меҳнатим,

Йўқ эди бош кошигали фурсатим

(“Хайрату-л-аброр”дан)

Мамлакатда зулм ва хаксизликка чек кўяди, илм ва санъат аҳлига раҳнамолик қилади, бунёдкорлик ва ободончилик ишларига кенг эътибор қаратади. “Амири кабир” ва “амиру-л-муқарраб” унвонларига сазовор бўлади.

Алишер Навоийнинг мамлакатдаги катта ҳуқуқлари ва эл орасидаги юксак эътибори сарой амалдорлари, айникса, Мажидиддин ва унинг тарафдорларининг кескин норозилигига сабаб бўлади ва саройда фикс-фасод кучая боради. 1476 йилда Навоий вазирлик лавозимидан истеъфо беради ва бадий ижод билан шугулланади.

Алишер Навоий вазирлик лавозимидан кетгандан сўнг ҳам Султон Хусайн саройида энг нуфузли сийёсий арбоб бўлиб қолаверади. Хусайн Бойкаро уни ўзига гоят якин тутар, ҳар бир нарсада у билан маслаҳатлашар ва шоирнинг фикрини ниҳоятда кадрлар эди. Бу ҳолат улуг шоир ва сарой амалдорлари орасидаги низонинг ошишига олиб келади. Хусайн Бойкаро Навоийни Астрободга ҳоким қилиб юбориш билан саройдаги низоларга чек қўймоқчи бўлади.

Алишер Навоий 1487-1488 йилларда Астрободда ҳокимлик қилади. Мирхонднинг ёзишича, *“Астробод гулшани адолат хислатлик амирнинг келиши билан Эрам гулистонининг гайратини келтирадиган бўлиб, Журжоннинг саййидлари, уламози, эътиборли кишилари, фозиллари ул мактовга муносиб сифатли амирнинг лутфу марҳаматлари билан фаҳр ва кувонч топдилар. Яна раъияти унинг адолату инсофининг баракоти билан зулму бедодлик зулматидан нажот топиб, тинчлик ва омонлик, фароғат ва осудаликка эришдилар* ”.

1489 йилда Алишер Навоий Хиротга қайтгач, ўрнига Астробод ҳокими қилиб шахзода Бадиуззамон тайинланган эди. Бу орада Балхда Дарвешали кўзғолони бошланади. Хусайн Бойкаро Навоийни олиб, Балхга жўнайди. Дарвешали билан сулҳ тузилади, лекин Хисорда Абу Саъиднинг ўгли Султон Махмуд Хусайн Бойкарога қарши кураш бошлайди. Шох Навоийни Балхда қолдириб, ўгли Бадиуззамонни олиб, Хисорга отланади. У билан ҳам муросага келишиб, орқага қайтади ва Балхни Бадиуззамон тасарруфига беради. Бадиуззамон ўн уч ёшли ўгли Мўмин Мирзони Астрободда қолдириб, Балхга келади. Хусайн Бойкаронинг суюкли аёли Хадичабегим билан Мажидиддиннинг ўрнига вазир қилиб тайинланган Низомулмулк Астрободга Музаффар Мирзони ҳоким қилиб тайинлашга эришадилар. Хадичабегим шохнинг мастлик чоғида Мўмин Мирзони ўлдириш ҳақидаги фармонга имзо қўйдириб, унинг зудлик билан ижро қилинишига эришади. Хусайн Бойкаро хушига келиб, янги фармон жўнатади. Лекин вақт ўтиб бўлган эди.

Бу ходиса Алишер Навоийга каттик таъсир кўрсатади ва кўпдан буён орзу қилгани ҳаж сафарига тайёргарлик кўра бошлайди. Шохдан ижозат олиб, йўлга отланади. 1499 йилда Марвда Хусайн Бойкаронинг яна бир ўгли Абулмухсин отасига қарши бош кўтаради. Шох исённи бартараф қилиш учун кўшин билан Марвга отланади.

Мирхонднинг хабар беришича, “

Марв камали уч-тўрт ойга чўзилиб, фатху зафар шохиди мурод кўзгусида кўринмагани учун хокони Мансур сулҳга майл килди. Абулмухсин мирзо ҳам калъадорликнинг чўзилиб кетганидан гам чекиб, отаси қошига чопар юборди ва амир Алишерни талаб килдиким, то ул жанобнинг воситачилиги билан сулҳ иши воқе бўлсин

”. Шох Машхад остоналарига етиб колган Алишер Навоийга тез чопар юборади. Алишер Навоий Машхад улуглари ва хамрохлари билан маслаҳатлашади. Улар мамлакатнинг тинчлиги хар нарсадан устун эканлигини айтиб, хажга боришни кечиктиришни маслаҳат берадилар. Алишер Навоий ортга кайтади ва ота-ўғил орасида сулҳ имзоланади.

1500 йил декабрининг охирларида Хусайн Бойкаро Астробод юришидан кайтади. Анъанага кўра, саройнинг барча эътиборли кишилари шохни кутиб олишга йўлга чиқадилар. Улар орасида хазрат Навоий ҳам бор эди. Соғлиги жуда ёмонлашганига карамай, шоир сафардан кайтган султон хузурига етиб келади ва хамрохлари ёрдамида унинг кўксига бош кўйиб, хушидан кетади. Бу холат “Макориму-л-ахлоқ”да шундай тасвирланади: “*Бир фарсахга якин юрганда соҳибкироннинг дабдабали ва кўркам муҳафаси кўринди. Шу вақт Худонинг инояти билан ул зотнинг муборак боши айланиб колди. Олижаноб амир Хожа Шихобуддин Абдуллани хузурига чакириб: “Мени эҳтиёт килишдан гофил бўлманг, ахволим ўзгариб колди”, деди. Шу пайт аъло хазратнинг кўлини ўпишга етишмоқ учун отдан тушди. Тўсатдан етишган касалликнинг огирлиги сўнгги хаддига бориб колгани ва юришга мадори колмаганидан, мазкур амир ва Мавлоно Жалолуддин Косим унинг кўлтикларига кириб, улуг Амир бошини баланд мартабали подшоҳнинг кучогига кўя олди. Аъло хазрат ул буюклик ва дабдаба доираси марказининг ахволида ўзгариш кўриб, гоятда кайгуга ботди, гамгин бўлди*

”. Шоирни огир ахволда уйга олиб келадилар. Уч кун хушсиз ётган Алишер Навоий 1501 йилнинг 3 январида сакта касаллиги туфайли вафот этади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Навоий замондошлари хотирасида. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1985.
2. Сирожиддинов Ш. Навоий замондошлари эътирофида. – Самарканд: Зарафшон, 1996.
3. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг киёсий типологик, текстологик тахлили. – Т.: Akademnashr, 2011.

4. Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул ахамияти (халқаро илмий назарий анжуман материаллари). – Т.: О‘zbekiston, 2011.
5. Султон Иззат. Навоийнинг калб дафтари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1973.
6. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Моварounnahr – О‘zbekiston, 2009.
7. Vohidov R., Eshonqulov H. O‘zbek mumtoz adabiyoti tarixi. – Т.: О‘zYU Adabiyot jamg‘armasi nashriyoti, 2006.
8. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик. 2-жилд (XV асрнинг иккинчи ярми). – Т.: Фан, 1977.

[1] Амир Темурнинг Умаршайх исмли ўғлига набира бўлган шахзода Гиёсиддин (Султон Хусайн Бойкаронинг отаси)дан фарқлаш учун Алишернинг отасини Гиёсиддин Кичкина деб атаганлар.

[2] Алишер Навоий ўзининг бирор асарида ота-онаси хакида аниқ маълумот келтирмайди. Навоий даврида яратилган манбаларда ҳам улуг шоирнинг ота-онаси билан боглик етарли маълумот учрамаслигини кузатиш мумкин. Ш.Сирожиддиновнинг ёзишича, хазрат Навоий гоят камтарлик юзасидан ўз аждоди борасидаги тафсилотларнинг келтирилишини лозим топмаган ва замондошларининг ҳам бу масалада шундай йўл тутишларини истаган. Алишер Навоий вафотидан сўнг яратилган манбаларда бу маълумотлар адади бир оз кенгаяди.

[3] Ш.Сирожиддинов Навоий Самаркандга айнан Хиротдан йўл олганлиги масаласига шубха билан қарайди. Олимнинг фикрича, Навоий хакидаги манбаларнинг бирортасида ҳам шоирнинг айнан Хиротдан Самаркандга сафар қилганлиги хакидаги маълумот келтирилмайди, балки “Хуросондан Самаркандга” йўл олганлиги айтилади. Машхад ҳам Хуросон таркибида эканлиги ҳисобга олинса, Навоий Самаркандга Машхаддан борган бўлиши ҳам мумкин (Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий типологик, текстологик тахлили. – Б. 45-48).

Навоийшунос олим К.Эргашев ҳам улуг шоир ҳаётининг айнан шу даври навоийшуносликда яхши ўрганилмаганлигига эътибор қаратади (Эргашев К. Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий биографиясига доир // Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. – Б.35-36)

Дилнавоз Юсупова